

УДК 677.021.17

ПАХТА ТОЛАСИ ТАРКИБИДАГИ НУҚСОН ВА ЧИҚИНДИЛАР МИҚДОРИГА ТОЗАЛАШ УСКУНАСИНИНГ ТАЪСИРИ

магистрант Н.Абдураимов, доц. К.З.Юнусов, асс. З.Ф.Валиева
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Ушбу тадқиқот ишида «Табиий толарни дастлабки ишлаш технологияси» кафедраси лабораториясидаги 1ХК майда нуқсонлардан тозалаш машинасини такомиллаштириш натижасида толаги тозалаш жараёнидан кейин тола таркибидаги нуқсон ва чиқиндилар миқдори аниқланди, ҳамда ишлаб чиқаришга тозалаш ускунасининг муқобил варианты тавсия этилди

В данной исследовательской работе в лаборатории при кафедре «Первичная обработка натуральное волокно» было определено содержание пороков и сорных примесей на усовершенствованной модели очистителя от мелких примесей 1ХК, а также в производство предложен оптимальный вариант хлопкоочистительного оборудования.

In this research work in the laboratory at the department of "Technology of primary processing of fiber" the content of defects has been identified and trash on the improved model of the cleaner from small impurities 1 ХК, as well as in the production offered the best option ginning equipment.

Республикамиз пахта тозалаш корхоналарида сифатли хом ашё олиш учун замонавий ҳамда такомиллашган техника ва технологиялар билан жиҳозлаш долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Пахта тозалаш корхоналарида қабул қилинаётган пахта белгиланган стандарт асосида олиб борилади, яъни чигитли пахта намлиги ва ифлослиги бўйича қабул қилинади. Агар ширкат ва фермер хўжаликларида олиб келинган чигитли пахта намлиги стандарт меъёрларидан юқори бўлса, уни қабул қилиб олишдан олдин, қуритиш-тозалаш жараёнларидан ўтказилиб, кейин қабул қилинади [1].

Республикамиз пахта далаларида етиштириладиган ва пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқариладиган пахта хом ашёсининг сифат кўрсаткичлари юқори бўлиб, жаҳон стандартлари талабларига жавоб бериши, уларнинг ҳозирги пайтда жаҳон бозорларида харидорғир бўлиши асосий омил ҳисобланади.


Пахта тозалаш корхоналарида пахтани қанчалик кўп технологик жараёнлардан ўтказилса, пахта толаси сифатининг салбий кўрсаткичлари ортиб боради. Шунинг учун ҳар бир технологик жараёндан кейин оптимал вариантлар ишлаб чиқилади.

Пахтани тозалаш жараёнида тола ёки чигит турли жароҳатлар олиши мумкин, натижада кейинги жараёнларда, айниқса жинлаш жараёнида тасодифлар сони ўз-ўзидан кўпаяди, тола ва чигитнинг сифат кўрсаткичлари ёмонлашади. Шу сабабли, тозалаш жараёнини белгиланган занжир асосида ташкил этиш, махсулот сифатини яхшилаб қолишга имконият яратиб беради [2].

Шу сабабли, пахта тозалаш корхоналарида чигитли пахтани майда ифлосликлардан тозалаш ускуналарида жойлашган қозикли титиш барабанларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Таклиф этиладиган қозикли барабан ва турли юза орасидаги чигитли пахтани ҳаракатини ўзгартириб, тўр юзасидан унумли фойдаланиш яъни технологик жараёнда ҳаракатланаётган пахтани фақат марказда эмас юзани барча қисмига бир меъёрда тақсимлаш ва бунинг натижасида сарф ҳаражатсиз тозалаш самарадорлигини, ускуна иш унумдорлигини оширишдир.

Шу сабабли, пахта тозалаш корхонасида майда нуқсонлардан тозалаш 1ХК тозалаш ускунасининг ишчи қисмлари такомиллаштирилгандан кейин, ЗОВП толаги

тозалаш ускунасидан кейин, намуналар олиниб, лаборатория шaroитида кўл ёрдамида пахта толаси таркибидаги нуксон ва чиқиндилар миқдори аниқланди. Пахта тозалаш корхонасида мавжуд бўлган 1ХК майда нуксонлардан тозалаш ускунасидан олинган толанинг таркибидаги нуксон ва чиқиндилар миқдорини лаборатория шaroитида аниқлаш борасида олинган илмий-тадқиқот натижалари 1 ва 2-расмларда келтирилди.



1-расм. Пахта толаси таркибидаги умумий нуксон чиқиндилар ифлосликлар миқдорининг ўзгаришига тозалаш ускунасининг таъсири.

Олинган синов натижаларини такомиллаштирилмаган ускунадан олинган натижаларга нисбатан солиштирадиган бўлсак, такомиллаштирилган ускунадан кейин олинган тола таркибидаги умумий нуксон ва чиқиндилар миқдори 10,6% га, ифлосликлар миқдори 12,1% га камайди, урилган ёки жароҳатланган чигитлар миқдори 15,4% га ошди, пўстлокли тола миқдори 12,8% га камайди.



2-расм. Пахта толаси таркибидаги урилган ёки жароҳатланган чигитлар ва пўстлокли тола миқдорининг ўзгаришига тозалаш ускунасининг таъсири.

Хулоса килиб айтганда, такомиллаштирилмаган ускунадан олинган натижаларга нисбатан такомиллаштирилган ускунадан кейин олинган тола таркибидаги умумий нуксон ва чиқиндилар миқдори 10,6% га, ифлосликлар миқдори 12,1% га камайганлиги, урилган ёки жароҳатланган чигитлар миқдори 15,4% га ошганлиги, пўстлокли тола миқдори 12,8% га камайганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Д.А.Усмонов. Исследование эффективности очистки хлопка-сырца от сорных примесей. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата технических наук. Ташкент, 1981, С.16-17.

2. Т.А.Очилов. Влияние температуры сушки хлопка-сырца на качество волокна и содержание пороков. Диссертации на соискание ученой степени кандидата технических наук. Ташкент, 1989.